

профили, позволяющие проанализировать бедность с точки зрения различных научных парадигм.

Одним из принципиально важных направлений в области снижения уровня бедности является развитие рынка труда, с одной стороны – путем создания новых рабочих мест и содействия самозанятости, а с другой стороны – путем активного вовлечения бедного слоя населения к деятельности на этом рынке и эффективной адаптации к этому рынку.

Таким образом, предлагаемый подход, позволяет комплексно подходить к понятию и явлению «бедности», что в свою очередь охватывает более широкий комплекс мер в системе социальной защиты.

Представляется целесообразным проведение исследования социальных оценок, определенных представителями бедного слоя населения, в следующих направлениях:

- оценка уровня социальной ответственности государства
- оценка уровня социального благополучия (на основе субъективного определения уровня качества жизни в области наиболее принципиально важных направлений – здоровья, питания, занятости, материального положения, состояния жилища и условий окружающей среды)
- оценка уровня социальной удовлетворенности (на основе определения соответствия между социальными ожиданиями и степенью их достижения)
- оценка уровня материального положения, социального статуса в целом, а также социальной самоидентификации
- оценка стереотипов ценностных ориентаций, а также образа и стиля жизни,

Данные, собранные в соответствии с предлагаемой структурой, позволяют построить сначала более развитые эмпирические модели социальных профилей бедного слоя населения, а затем построить на их основе и фундаментальные эмпирико-теоретические модели, которые создадут основу для их использования в целях повышения эффективности программ по снижению бедности в Узбекистане.

ЭТНОСОЦИАЛ ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШДА СОЦИОЛОГИК

ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

М.М.Содиржонов, Наманган давлат университети таянч докторанти

Аннотация: ушбу мақолада этносоциал жараёнларни социологик тадқиқ этишнинг долзарблиги ва замонавий социологиянинг сўнгги йиллардаги этнометодологик ёндашувлари, этносоциал назарияларнинг вужудга келиши, назарий-методологик ёндашувларнинг айrim жиҳатлари тадқиқ этилгизсан. Шунингдек хориж социолог олимлари ва тадқиқочиларнинг этносоциал жараёнлар ва этносоциология фани ривожига кўшган ҳиссалри ҳақида илмий-назарий маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: менталитет, идентиклик, ижтимоий характер, ижтимоий стереотиплар, ўзликни англаш, социал хотира, детерминизм,

антропосентризм, этносоциал жараён, моноэтник, бағрикенглик, дин, миллат, демография, этнолингвистика, этнопсихология, этносоциология.

Abstract: This article deals with the relevance of sociological research of ethnosocial processes and ethno-methodological approaches of modern sociology in recent years, the emergence of ethnosocial theories, theoretical and methodological approaches. There is also scientific and theoretical information about the contribution of foreign sociologists and researchers to the development of ethnosocial processes and ethnoscioiology.

Keywords: mentality, identity, social character, social stereotypes, self-awareness, social memory, determinism, anthropocentrism, ethnosocial process, monoethnicity, tolerance, religion, nation, demography, ethnolinguistics, ethnopsychology, ethnoscioiology.

Аннотация: В статье рассматривается актуальность социологического исследования этносоциальных процессов и этно-методологических подходов современной социологии в последние годы, появление этносоциальных теорий, теоретико-методологические подходы к исследованию. Имеются также научно-теоретические сведения о вкладе зарубежных социологов и исследователей в развитие этносоциальных процессов и этносоциологии.

Ключевые слова: менталитет, идентичность, социальный характер, социальные стереотипы, самосознание, социальная память, детерминизм, антропоцентризм, этносоциальный процесс, моноэтничность, толерантность, религия, нация, демография, этнолингвистика, этнопсихология, этносоциология.

Бугун Ўзбекистон социологияси ўзи учун имижга айланган йўналишни белгилаб олиши керак бўлади. Бу ўз навбатида, социология, хусусан этносоциология билан жиддий шуғулланишни ўз олдига мақсад сифатида белгилаган тадқиқотчилар учун аниқ йўлни танлаш учун имкониятлар яратиб беради. Шунингдек, мамлакатнинг социомаданий ва ижтимоий тараққиётида устувор йўналишга асосланган тадқиқотларни шакллантиришда кенг қамровли восита вазифасини бажаради. Биз халқаро социология мактаблари фаолияти ва замонавий социологияяда яратилган назарий-методологик ёндашувларни кузатиш асосида қуидаги таклифни илгари сурмоқчимиз.

Социология XX аср ўрталаридаёқ муҳим ижтимоий соҳа сифатида ижтимоий-гуманитар фанлар ичида ўз ўрнига эга бўлиб улгурган эди. У тарихий ривожланиш жараёнида объектив ва субъектив омилларни ўз ичига олган, ягона “социал организм” деб эътироф этиладиган жамият тўғрисида факат далилларга асосланиб хулоса чиқарадиган ижтимоий соҳага айланниб борди. Унинг тадқиқот обьекти эса макро ва микросоциологик ёндашувлар орқали эпистемологик билимлар мажмуасини ёритиб берди. Инсоният турининг табиий яшаш муҳити бу органик бутунлик ва инсонлар мавжудлигининг зарурый асосидир. Инсон ва унинг яшаш муҳити бир бутунликнинг ўзаро тобе қисми саналади. Бироқ, инсоният дунёси ва аниқ

инсоннинг ўз табиати ёки ўзга кишиларга айнан тўғри келмаслигига инсоннинг ўз табиий органик бутунлигига мослашиш жараёни “фожеавий” ўрин тутгани йўқ. Ўзига ўхшаганлар билан мулоқотга киришиш зарурати – социал тарих, ижтимоий тараққиёт ва культурогенезнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқди[8.–С.4].

Этносоциология социологик фанлар тизимида этник, ҳудудий, диний ва миллатлараро муносабатларни ўрганиш борасида социология соҳасининг сўнгги 30 йиллигига энг кенг тарқалган йўналишларидан бирига айланди. У этник ва миллатлараро муносабатлар соҳасида содир бўлаётган мураккаб ва зиддиятли жараёнларни ўрганишдан ташқари, ички мавхумликни акс эттирувчи менталитет, идентиклик, ижтимоий характер, ижтимоий стереотиплар, ўзликни англаш, социал хотира каби масалаларнинг таҳлил ва талқинини беришга катта эътибор қаратди. Этносоциология – бу этник гурухларнинг келиб чиқиши, моҳияти, функциялари ва ривожланишининг умумий қонуниятлари, миллатлараро муносабатлардаги ўзаро алоқа ва фаолият турларини тадқиқ қилишнинг асосий услубий тамойилларини ишлаб чиқишга қаратилган маҳсус социологик назарияга айланди.

Бинобарин, мамлакатимизда ишлаб чиқилган оқилона миллий сиёsatнинг туб ўзагини “Кўп миллатлилик – Ўзбекистоннинг бойлиги” деган бош ғоя ташкил этади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг V устувор йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда[2.–С.27].

Кўп миллатлилик шароитида миллатлараро муносабатларни йўлга қўйишда ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, манфаат ва эҳтиёжларининг хилма-хиллигини ҳисобга олишни тақозо этади. “Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандлариdek аҳил ва инок яшамоқда”[1.–С.296-298]. Бу эса шу юртда яшаётган турли миллат вакилларининг миллий масъулиятига, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларининг этномаданий сиёсати борасидаги фаолиятига ҳам боғлиқдир. “Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда”.

Этносоциал назарияларнинг вужудга келиш характеристи ва қиёфаси мураккаб тизимга асосланади. Уларни институционаллашуви (пайдо бўлиши ва жойлашиши)дан легитимлашуви (ўзлаштирилиши)гача бир қанча илмий мактаблар, ихтисослашган нашриёт ва илмий таҳририятдан ташқари касбий маҳорати юқори бўлган илмий ассоциациялар зарур бўлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда биз, замонавий социологиянинг даврий айланишини XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб эътироф этишимиз мумкин. Замонавий социологик назария ва методологияларнинг легитимлигини бугунги кунда Халқаро Социологлар Ассоциацияси, Халқаро Социология институти ва Европа Социология институти белгилаб беради.

Социология соҳасида илк пайдо бўлган назарий-методологик ёндашувлар социал тараққиёт ғоясидан келиб чиқиб шакллантирилган бўлса, бугунги кунда у “Англовчи (билувчи) инсон” ғояси бўйича такомиллаштирилмоқда. Замонавий социологиянинг сўнгги йиллардаги этнометодологик ёндашувлари ўзгарувчан дунёда қуидаги назарияларга асосланмоқда:

1. М.Фуко асос солган ва Ю.Хабермас томонидан янада такомиллаштирилган “Дискурс-таҳлил” назарияси ёки илмий билимларни социологик таҳлил этиш. Ушбу назарияга кўра, маданият ва модерн (замонавийлик) ўртасидаги ўзаро муносабатлар қиёсий таҳлил этилади. Жумладан, М.Фуко давлат бошқаруви ва замонавий элитани социологик билимларга асосланиб, таҳлил этишни таклиф этади.

2. П.Бурдье томонидан илгари сурилган “Социал макон” назарияси. Ушбу назарияга кўра, П.Бурдье ўз қарашларида жамиятнинг социал структурадан фаол субъект фаолиятига ўтиш ғояси илгари сурилади. Бурдье социал маконда инсоннинг ўзи яшаб турган уй, кўча, массив (маҳалла) ва шаҳар (қишлоқ)ни кўради.

3. И.Гофманнинг “Фреймлар ва драматургик ёндашув” назарияси. Мазкур олим ўз таълимотида шахслараро ўзаро фаолиятни микросоциологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганади. У биринчилардан бўлиб “Ҳар бир инсон тирик архив” ғоясини илгари суради. Унинг тадқиқотларида асосий обьект кишиларнинг қундалиқ ҳаётини тадқиқ этишга қаратилади.

4. Ж.Лиотар, Ж.Бодрияр ва Ж.Бауман таклиф этган “Постмодернизм” назарияси. Ушбу назарияга кўра социал ҳаёт жамиятда инсонларнинг хулқатворини легитимлаштиришга хизмат қиласиган тил (сухбат) ўйинлари тушунчаси илгари сурилади. Уларнинг фикрига кўра, инсонлар гаплашиш воситасида ўз ҳаётларини жамиятда легитимлаштириб борадилар ва б. Постмодерннинг иккита белгиси бор: 1) ҳақиқатни излашдан чекиниш; 2) мавжуд тил (сухбат) ўйинлари ўз ўрнини аста-секинлик билан техник тил (сухбат)га бўшатиб беради.

5. М.Кастельснинг машҳур “Тармоқли жамият” назарияси. Ушбу назарияга кўра, янги жамият ахборот кўлами асосида ривожланиб боради. Жамиятдаги ҳар қандай социал муносабатлар ахборотлар асосига қурилади. Замонавий жамиятда ахборотни назорат қилишни имкони қилмайди, шунинг учун индивид уни назорат қилишни ўрганиши керак.

Умуман олганда, замонавий этносоциологияда А.Турен, М.Веверки ва А.Мелуччи томонидан илгари сурилган “социал фаолиятлар” назарияси, А. Гидденснинг “социал реалликни таҳлил этиш” назарияси, А.Давидовнинг “социал тизимларнинг структуравий бутунлиги ва ўйғунлигини ўлчаш” назарияси каби ёндашувларни замонавий этносоциология фанининг методологияси сифатида илгари суриш мумкин.

Илмий нутқда этносоциал жараёнлар тушунчаси кенг қўлланилганига қарамай, у ҳали ҳам қатъий асосни олмади ва кўпинча тизимсиз, интуитив равишда қўлланилади. Ҳаттоқи ўттиз йил олдин ҳам СССРнинг этник муаммолар соҳасидаги бош мутахассиси, академик Ю.В.Бромлейнинг

этносоциал жараёнларга махсус монографиясини бағишилагани ҳам бунга таъсир қилмаган (Бромлей, 1987)[3. –С.336]. Түғри, ушбу китобнинг ўзида ушбу масала бўйича етарли даражада аниқлик йўқлигини таъкидлаш керак. Демак, у бир томондан этносоциал жараёнларни миллий жараёнлар билан белгилайди, бошқа томондан уларнинг эмпирик хусусиятлари билан, этник (ва этносоциал бўлмаган) жараёнларга мурожаат қилиш одатий бўлган нарсаларни тасвирлаш билан чекланади: миллатлараро консолидация, этник ассимиляция, этник интеграция, этник конверсия. Этносоциал жараёнларни сўзнинг қатъий маъносига ажратиш ва тавсифлаш мумкин эмас эди. Кейинчалик “Этник ва этносоциал тоифалар” лугатида алоҳида мақола белгиланган этник жараёнларнинг ҳар бирига бағишилангани, “этносоциал жараёнлар” тушунчаси эса умуман кўриб чиқилмаганлиги муҳим бўлиб қолди (Этник ва этносоциал тоифалар, 1995).

Этносоциал жараёнлар концепциясини мазмунли талқин қилиш ҳозир ҳам жиддий назарий муаммо бўлиб қолмоқда. Илгари, Э.А.Тюгашев билан биргаликда этносоциология фанининг концептуал масалаларини кўриб чиқиш жараёнида бу мавзуни муҳокама қилишимиз керак эди.

Аввало, этносоциал тушунчаси – этник ва ижтимоий бирлик сифатида талқин қилиш энг кенг тарқалган нарсадир. Ушбу ғоя рус анъаналари учун бошланғич нуқта эди. Бу, авваламбор, “этник хилма-хилликдаги ижтимоий жараёнлар ва этник жараёнларни ижтимоий ҳисобга олган ҳолда” ўрганадиган чегара илмий фан сифатида қараладиган этнососиология мавзусини муҳокама қилиш пайтида юз берди[4.–с.14-25].

Ижтимоий ва этник қарама-қаршилик бевосита “этник” тушунчани вужудга келтиради, уни асосли деб ҳисоблаш эса мумкин эмас. Жамият фанлари нуқтаи назаридан уларнинг кўриш соҳасига кирадиган этнослар (этник жамоалар), шубҳасиз, жамиятнинг бутунлигини, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ўзида мужассам этган ижтимоий “органлар”дир. Шу муносабат билан этник гуруҳлар ҳақида маҳаллий инсоният жамоаларининг навлари сифатида гапирилса, хаққоний бўлади. Ижтимоийнинг ички моменти сифатида этник ҳам ижтимоийдир. Шунинг учун, “этник” ва “ижтимоий” бир-бирига ташқи тушунчалар сифатида ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапириш нотўғри. Барча этник параметрлар “тўғри ижтимоий” бўлиб, ўз навбатида, ижтимоий параметрлар аниқ этник обьектларда белгиланади.

Ушбу контекстда этносоциал жараён тушунчаси қай даражада оқланди? Агар этник ижтимоийнинг модаси бўлса ёки аксинча, агар ижтимоий этник субектларнинг (этник) ўзаро таъсирининг ажralmas таъсири бўлса, унда моддаларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши кузатилади. Шу билан бирга, этнососиал жараённинг этнос ичида содир бўлаётган ижтимоий жараён (яъни унинг этник модаллиги билан олинган) ижтимоий қиёфаси энди қарама-қарши бўлиб туюлади. Бу “микроскопик” этносоциал жараён деб аталади. Шунга кўра, “макроскопик” этносоциал жараён сифатида, ташувчиси этносоциал субектлар бўлган этнослар (этник жамоалар), этник гуруҳлар ва бошқаларни ўз ичига олган ажralmas ижтимоий – жаҳонтарихий жараённи кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолатда биз ер миқёсидаги

этносоциал жараён сифатида жамиятнинг ривожланиши ҳақида гаплашишимиз мумкин[5.–С.93.121]. Р. Г. Подолний билан биргаликда ёзилган Ю. В. Бромлейнинг сўнгги асарларидан бири “Инсоният–бу халқлар”[6.–С.391] ўзига хос номга эга эканлигини унутманг. Глобал этносоциал жараённи ташкил этувчи аниқ суб-жараёнларни (турли даражадаги ва миқёсдаги) ўзларининг локализацияси орқали, ўз навбатида, эмпирик равишда аниқлаш мумкин, яъни ландшафтлар билан боғланиш орқали.

Шу билан бирга, алоҳида этносоциал жараённи этник ёки ижтимоий асослар бўйича эмас, балки худудий локализация бўйича ажратиб кўрсатиш ва ажратиш кераклигига эътибор қаратсак. Одатда, улар мамлакатнинг ёки дунёning айrim минтақаларидаги этносоциал жараёнлар ҳақида гапиришлари бежиз эмас. Ушбу ёндашув, миграция таъсири остида, замонавий шароитда, моноетник эмас, балки кўп миллатли, миллатлараро бўлган маҳаллий жамоатчиликнинг яхлитлигини ўрнатишга имкон беради. Унинг ривожланиши аниқ этносоциал субектларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади. Шунинг учун этносоциал жараённинг тавсифи маҳаллий (минтақавий) миллатлараро ҳамжамиятни ташкил этувчи бир қатор этник гурухларнинг ўзаро боғлиқ ривожланишининг тавсифини ўз ичига олиши керак.

Этнососиал жараёнларга қўплаб омиллар таъсир қиласди: умумий дунё тенденциялари, давлатнинг иқтисодий ва миллий сиёсати, минтақавий этномаданий массивнинг хусусиятлари, миграция жараёнлари, маълум бир худудда турли халқларнинг биргаликда яшаш тарихий тажрибаси.

Кўпгина минтақаларда демографик жараёнлар учун аҳолининг депопуляцияси, унинг табиий пасайиши, айниқса руслар орасида характерли бўлиб қолди. Аҳолининг қашшоқлашуви, юқори даражадаги касалланиш, алкоголизм, асаб ва руҳий бузилишлар ва ҳоказолар туфайли турмуш даражаси сезиларли даражада пасайган. Аҳолининг умумий соғлиғи кўрсаткичлари ёмонлашди. Оилавий инқизоз вужудга келди, ажралишлар сони кўпайди, ноқонуний туғилиш даражаси ошди ва ёлғиз оилалар ва рўйхатдан ўтмаган никоҳлар сони кўпайди. Асосий оилавий қадриятлар ўзгартирилди: ўз фарзандларига эга бўлишнинг муҳимлигини сақлаб қолиш билан бирга, эр (хотин) га эга бўлиш ва рўйхатдан ўтган никоҳда бўлиш истаги сусайди[7.–С.288].

Этносоциологик тадқиқотларнинг предметини турли хил ижтимоий ва этник гуруҳ ҳамда жамоалар вакиллари ўртасидаги социомаданий муносабатларнинг умумийлиги ташкил этади. Этносоциологиянинг предмет соҳаси миллий омилларнинг аҳоли ижтимоий тузилиши ва миграциясига таъсири, миллий ўз-ўзини англашнинг ижтимоий детерминизми, миллий муносабатлар ва ижтимоий-маданий низолар, маданий қизиқиши ва эҳтиёж хусусиятлари, этнолингвистик жараёнларнинг нозик жиҳатларини қамраб олади.

Этносоциологияда амалий-эмпирик тадқиқотларни ривожлантириш функцияси мазкур фаннинг фақат ижтимоий воқеъликни назарий ўрганиш

билан чегараланмаслигини англатади. Унга таяниб, этносоциология сиёсат ва амалиёт учун ижтимоий ҳаётни такомиллаштиришга, ижтимоий жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилған таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади. Социология ижтимоий ҳаётни, унинг турли соҳа ва даражалардаги қўринишларини тавсифи билан чекланмайди, балки уларни инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолайди. “Социология соҳаси шундай фанки, деб ёзган эди М. Вебер, - у ижтимоий ҳаракатни тушунишни хоҳлайди ва бунинг асосида жамиятдаги турли хил воқеликлар сабабларини тушунтириб беради”[9. – С. 364.]. Бунда назарияни бойитиш ҳамда такомиллаштириш асосий мақсад бўлмай, балки шу асосда эркин ва ҳар томонлама баркамол шахснинг манфаатлари йўлида ижтимоий ҳаётни рационаллаштириш ва оптималлаштиришdir.

Шу жиҳатдан, социология сиёсат ва амалиётнинг назарий асосларидан биридир. Айниқса, социологиянинг амалий-сиёсий функциясини амалга оширишнинг аниқ шаклари сифатида социологияда олдиндан режалаш ва прогнозлаш катта аҳамиятга эга. Социологик тадқиқот натижаларидан социал сиёсатнинг муҳим асосларини ишлаб чиқиши ҳамда ижтимоий жараёнларни бошқариш амалиётида фойдаланишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш – бугунги кунда жамият ҳамда давлатимизни ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бирини ташкил этади.

Умуман олганда, этносоциологиянинг ғоявий-тарбиявий функцияси социологик тадқиқотлар ва уларнинг натижалари тарбиявий ишларда тутган ўрни ҳамда ролида намоён бўлади. Ўз ҳолича, этносоциология фан сифатида ижтимоий воқеликни объектив акс эттирмайди ва социумдаги грух, жамоа ёки синфлар, бошқа ижтимоий грухлар ҳамда уларнинг манфаат ва мақсадларига нисбатан нейтралдир. Жамиятшунослар социал жамоа, қатlam ва грухларнинг манфаатлари ва мақсадларини ифодалаш ҳамда асослаш ва амалий фаолиятини оқлаш йўлида одатда, этносоциологик тадқиқотлардан кенг фойдаланади. Шунинг учун реал социологик тадқиқотда объектив-илмийлик ва мафкуравийликнинг нисбатини белгилашда хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Шундан келиб чиқсан ҳолда, таъкидлаш мумкинки, этносоциология жамиятдаги инситутларнинг келиб чиқиши ва уларни харакатлантирувчи фан сифатида шаклланганини кўриш мумкин[10.–С.6].

Ҳаддан ташқари мафкуралаштириш воқеликни ўрганишдаги объективлик ва ҳаққонийлик тамойилларининг қўпол равишида бузилишига олиб келади. Социал воқеликсиз ҳақиқий илм-фан, жумладан, социология бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Хусусан, социологлар ўтказилган тадқиқот натижалари борасида ёлғон баёнотлар берилмаслиги керак. Бошқа томондан, социологиянинг ривожланишида мафкуравий омилни тўлиқ инкор этиш этносоциологиядаги асосий йўналишларнинг ранг-баранглиги, уларнинг моҳияти, мазкур йўналишларнинг тўқнашуви ва зиддиятлари сабабларини тушунишни қийинлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом

- эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 296–298.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентинининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 27.
 3. Бромлей, Ю. В. Этносоциальные процессы: теория, история современность. – М.: Наука, 1987. – 336 с.
 4. Дробижева, Л. М. Этносоциология сегодня / Проблемы методологии междисциплинарных исследований / Междисциплинарные исследования в контексте социально-культурной антропологии: Сборник в честь Юрика Вартановича Арутюняна / отв. ред. М. Н. Губогло. – М.: Наука, 2005. – С. 14–25.
 5. Попков Ю. В., Тюгашев Е. А. (2014) Этносоциальные процессы в Сибири: современные реалии и актуальные вопросы этнонациональной политики [Электронный ресурс] // Новые исследования Тувы. № 3. URL: http://www.tuva.asia/journal/issue_23/7330-popkov-tyugashev.html (дата обращения: 12.03.2016). Попков, Ю. В., Тюгашев, Е. А. (2009) Предмет этносоциологии: опыт концептуализации // Социологические исследования. № 3. С. 93–101.
 6. Бромлей, Ю., Подольный, Р. (1990) Человечество — это народы. М.: Мысль. 391 с
 7. Гончарова, Г. С., Савельев, Л. Я. Семейно-брачные отношения у народов Сибири: проблемы, тенденции, перспективы / отв. ред. Ю. В. Попков. – Новосибирск, 2004. – 288 с.
 8. Культура, культурология и образования (Материалы «Круглого стола»). Выступления В. А. Лекторского // Вопросы философии. – М., 1997. – №2. – С. 4.
 9. Американская социология. Перспективы проблемы методы / Под ред. Т. Парсонс. – М., 1972. – С. 364.
 10. Эмиль Дюркгейм. Социология. Ее предмет, метод и назначение. – М., 1993. – С. 6.

ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИДА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДАГИ РАШҲАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.

Э.Т.Раҳматов, Самарқанд давлат университети “Фалсафа ва миллий гоя” кафедраси таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақоланинг мақсади глобаллашув даврида мамлакатимиздаги таълим тизими олдида турган муаммоларни аниқлаш ва таълим фалсафасида нақшбандия таълимотининг ўрни. Нақшбандия таълимотининг кўзга кўринган вакилларининг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ўрганиш ёшларни тарбиялашда ва замонавий шароитда ахлоқий фазилатларни такомиллаштиришда қўлланилиши.